

ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ПРОФИЛАКТИК ИШЛАРНИ РЕЦИДИВ ХАВФИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Юсупов Ойбек Луқмон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ масъул ходими,
мустақил тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21869808>

Жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг самарали профилактикаси барча шахсларга бир хил чораларни қўллашни эмас, балки уларни такроран жиноят содир этиш хавфи ва криминоген эҳтиёжларига қараб табақалаштиришни талаб этади. Шу боис профилактика субъектларининг иштирок даражаси, профилактик таъсирнинг ҳажми ва интенсивлиги ҳамда мавжуд ресурсларни шахснинг хавф даражасига мутаносиб равишда белгилаш замонавий профилактика тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг профилактикасида энг муҳим тамойиллардан бири профилактика чораларини шахснинг рецидив хавфи даражасига мувофиқ ташкил этиш ҳисобланади. Замонавий криминологияда бир хил профилактика чораларини барча шахсларга нисбатан татбиқ этиш самарасиз деб эътироф этилади. Аксинча, профилактика ресурсларини шахснинг хавф даражаси ва криминоген эҳтиёжларига мутаносиб тақсимлаш юқори натижа беради.

Ўзбекистонда кейинги йилларда қабул қилинган ПФ-65-сон Фармон, ЎРҚ-999-сон Қонун ҳамда янги таҳрирдаги “Пробация тўғрисида”ги Қонунда пробация институтини такомиллаштириш, профилактика чораларини кучайтириш ва пробация ходимларининг ваколатларини кенгайтириш бўйича муҳим ислохотлар амалга оширилди. Бироқ мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, профилактика субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни рецидив хавфи даражаси асосида ташкил этиш механизми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаган.

Хусусан, амалдаги қонунчиликда шахсларни паст, ўрта ва юқори рецидив хавфи тоифаларига ажратиш, мазкур тоифаларга қараб давлат органларининг иштирок даражасини белгилаш, профилактика тадбирларининг интенсивлигини табақалаштириш ҳамда ресурсларни хавф даражасига қараб тақсимлаш тартиби назарда тутилмаган. Натижада юқори

хавф тоифасидаги шахс ҳам, минимал хавфга эга шахс ҳам деярли бир хил профилактика тартиби асосида назорат қилинади.

Бу эса инсон ресурслари, вақт ва молиявий имкониятларнинг мақсадли тақсимланмаслигига, юқори хавф тоифасидаги шахсларга нисбатан индивидуал профилактика чораларининг етарли даражада қўлланилмаслигига сабаб бўлади. Ваҳоланки, халқаро пробация амалиётида “Risk–Need–Responsivity” (RNR) модели айнан профилактика ресурсларини рецидив хавфи даражасига қараб тақсимлашга асосланади.

Бу борада Л.Б. Амонова ҳам маҳкумларнинг криминоген хусусиятлари бир хил эмаслигини, шу сабабли профилактика чоралари ҳам хавф даражаси ва криминоген мотивациясига қараб табақалаштирилиши лозимлигини таъкидлайди. Шунингдек у, индивидуал хусусиятлар инобатга олинмаган профилактика чоралари кутилган самарани бермайди¹.

Тадқиқотимиз доирасидаги сўров натижалари ҳам мазкур муаммонинг амалий аҳамиятини тасдиқлади. Жумладан, респондентларнинг 94,6 фоизи профилактика тадбирларини рецидив хавфи даражасига қараб ташкил этиш зарурлигини, 92,8 фоизи юқори хавф тоифасидаги шахсларга нисбатан давлат органларининг комплекс иштироки таъминланиши лозимлигини, 90,9 фоизи эса профилактика ресурсларини хавф даражасига қараб тақсимлаш тизимини қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлигини билдирган².

Шу боис бизнингча, миллий қонунчиликда “Рецидив хавфига асосланган идоралараро ҳамкорлик” (Risk-Based Interagency Cooperation) институтини ҳуқуқий жиҳатдан жорий этиш мақсадга мувофиқ саналади. Бунинг учун “Пробация тўғрисида”ги Қонунда шахсларнинг рецидив хавфи даражасини паст, ўрта ва юқори тоифаларга ажратиш, ҳар бир тоифа бўйича давлат органларининг иштироки, профилактика тадбирларининг ҳажми, даврийлиги ҳамда масъулият доираси аниқ белгиланиши лозим. Бундай ёндашув профилактика ресурсларини мақсадли йўналтириш, идоралараро ҳамкорликни самарали ташкил этиш ва энг муҳими, жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш натижадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Демак, ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг

¹ Амонова Л.Б. Маҳкумларда криминоген мотивация шаклланишининг олдини олишда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш // Пробация хизмати назорати остидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2023. – Б. 295–296.

² Тадқиқот давомида ўтказилган социологик сўров натижалари таҳлили. 1-Илова.



профилактикасидаги асосий муаммо норматив-ҳуқуқий асосларнинг мавжуд эмаслигида эмас, балки уларнинг амалий интеграцияси ва институционал мувофиқлаштирилиши етарли даражада таъминланмаганлигидадир. Амалда пробация хизмати, ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, жазони ижро этиш муассасалари, маҳалла, бандлик органлари, Миллий ижтимоий ҳимоя агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда бошқа профилактика субъектларининг ваколатлари алоҳида белгиланган бўлса-да, уларнинг фаолиятини ягона мақсад асосида бошқарувчи координатор институт, ягона кейс-менежмент тизими, узлуксиз ахборот алмашинуви, натижавий баҳолаш мезонлари ҳамда хавфга асосланган идоралараро ҳамкорлик механизми ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ шаклланмаган. Бу эса профилактика чораларининг парчаланиб кетишига, ваколатларнинг такрорланишига, масъулиятнинг аниқ тақсимланмаслигига ва энг муҳими, қайта жиноятчилик профилактикасининг самарадорлиги пасайишига олиб келмоқда.

Шу нуқтаи назардан, миллий профилактика тизимини замонавий криминологик ёндашувлар асосида такомиллаштириш зарур. Бунинг учун профилактика субъектлари ўртасида ягона координатор (Case Manager) институтини жорий этиш, барча давлат органлари учун мажбурий бўлган электрон “Case Management” платформасини шакллантириш, пенитенциар муассаса билан пробация хизмати ўртасида “Prison-to-Probation Transition” механизминини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, профилактика субъектлари фаолиятини натижавий индикаторлар (KPI) асосида баҳолаш ҳамда “Risk-Based Interagency Cooperation” (рецидив хавфига асосланган идоралараро ҳамкорлик) моделини қонунчиликка имплементация қилиш мақсадга мувофиқ

